

Мўмин кишининг йўли аниқ



19:05 / 26.09.2019 3210

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

غُرُورٍ فِي الْكُفْرَانِ إِنَّ الرَّحْمَنَ دُونَ مِّنْ يَنْصُرُكُمْ لَكُمْ جُنْدٌ هُوَ الَّذِي هَذَا أَمَّنْ ﴿٢٠﴾

Роҳмандан бошқа сизларга ёрдам берадиган лашкар ким ўзи? Кофирлар алдовдан бошқа ҳеч нарсада эмаслар! (Мулк сураси, 20-оят).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кофирларни Аллоҳ таолонинг азобидан қўрқитсалар, улар ўз қувватларини ва аскарларининг ёрдамини пеш қилар эдилар. Юқоридаги оят бу эътиқоднинг нотўғри эканини, қуруқ ғурудан бошқа нарса эмаслигини таъкидламоқда.

وَنُفُورٍ عَتَوِيٍّ لِّجَوَابِ رِزْقِهِ، أَمْسَكَ إِنَّ يَرْزُقُكُمْ الَّذِي هَذَا أَمَّنْ ﴿٢١﴾

У ризқни тортиб қўйса, сизга ризқ берадиган ким ўзи?! Йўқ! Улар саркашликда ва (ҳақдан) қочишда бардавом бўлдилар. (Мулк сураси, 21-оят).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кофирларга: «Аллоҳ таоло ризқни тортиб қўйишга қодир Зот», – десалар, улар: «Бизнинг санамларимиз ризқ беради», – дейишган экан. Шунда юқоридаги оят нозил бўлган.

Мўминлар билан мушриклар ўртасидаги тортишувлардан мақсад, ким тўғри йўлда эканини исботлаш эди. Тўғри йўлни қуйидаги оят кўрсатади:

مُسْتَقِيمٍ صِرَاطٍ عَلَى سَوِيٍّ يَمْشِي أَمَّنْ أَهْدَىٰ وَجْهَهُ عَلَىٰ مِكْبَأٍ يَمْشِي أَفْمَنَ ﴿٢٢﴾

Юзтубан қоқилиб юраётган киши ҳидоятдами ёки тўғри йўлдан қоматини тик тутиб бораётган кишими? (Мулк сураси, 22-оят).

«Юзтубан қоқилиб юраётган киши» кофир кишидир. Чунки унинг аниқ йўли, мақсади ва кўрсатмаси йўқ. Йўли адаштирувчи, хавф-хатарларга тўладир.

Иккинчи шахс эса – мўмин киши. Унинг йўли аниқ, дастури илоҳий, кўрсатмаси Пайғамбаридан. Йўли ҳақ йўл, анбиё ва солиҳлар томонидан синалган, тинчлик-омонлик йўли. Демак, жавоб аниқ.

«Эй Пайғамбар!

تَشْكُرُونَ مَا قَلِيلًا وَالْأَفْعِدَّةَ وَالْأَبْصَرَ السَّمْعَ لَكُمْ وَجَعَلَ أَنْشَاكُمْ الَّذِي هُوَ قُلٌّ ﴿٢٣﴾

Айт: «У сизларни йўқдан бор қилган ва сизларга қулоқни ва кўзларни ва дилларни берган Зотдир. Нақадар оз шукр қиласизлар-а?!» (Мулк сураси, 23-оят).

Бу оятда Аллоҳ таоло инсонга Ўзининг илм ҳосил қилиш, англаш учун берган улуғ неъматларини эслатяпти. Агар банда бу неъматларни ўз жойида ишлатса, албатта, бундан аввалги оятда баён қилинган тўғри йўлда юрган бўлади. Оятда англаш аъзоларининг тартиби баён қилиняпти.

Бандаси туғилгач, уч ойдан сўнг кўриш орқали ақлни ишлатади, тафаккур қилиш эса анча кейин намоён бўлади.

Мазкур неъматларнинг шукронаси – уларни ато қилган Аллоҳ таолони таниб, Унга ибодат қилиш эди. Лекин кўпчилик шукр қилмайди. Аллоҳ таолонинг бундан бошқа неъматлари ҳам бор:

«Эй Пайғамбар!

تُحْشَرُونَ وَإِلَيْهِ الْأَرْضُ فِي ذُرَائِكُمُ الَّذِي هُوَ قُلٌّ ﴿٢٤﴾

Айт: «У сизларни ер юзида яратиб, кўпайтирган Зотдир. Ва Унинг ҳузурига тўпланурсизлар». (Мулк сураси, 24-оят).

Агар Аллоҳ таоло яратмаса ва энг муҳими, инсон наслини кўпайишга қобилиятли қилиб қўймаса, нима бўларди? Ҳеч қачон инсон ўзини-ўзи ярата олмас эди. Аллоҳ таолодан ўзга яратувчи зот ҳам йўқ! Инсон кўпайиб турмаса, тезда унинг насли ҳам йўқолиб кетади. Демак, доимо Аллоҳ таолога шукр қилиб яшаш керак.

Шунингдек, инсон бу дунёда яшашнинг ҳар лаҳзасида охираатда ҳамманинг тўпланиши Аллоҳ таолонинг ҳузурида бўлишини, ўшанда бу дунёдаги ҳар бир иш ҳисоб-китоб қилинишини унутмаслиги лозим.

«Тафсири Ҳилол» китобидан